• *Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллигига*

# АЛЛОМАНИНГ МАНГУ ОБИДАЛАРИ

*Биз Мирзо Улуғбекни Амир Темурнинг суюкли набираси, адолатпарвар тахт соҳиби, буюк мунажжим ва файласуф сифатида яхши биламиз. Бироқ у тарихий шахс сифатидагина эмас, ҳайратомуз бунёдкорлик ишлари билан ҳам ўзидан ўчмас из қолдирган улуғ алломадир. Ёш тадқиқотчи Мурод Мирзо Аҳмадқори ўғлининг ушбу мақоласида Улуғбек қурдирган обидаларнинг тарихи ва кейинги йиллардаги аҳволи хусусида қизиқарли ҳикоя қилинади. Ажаб эмаски, мақолани чуқур мушоҳада билан ўқиб чиққан муштарий "Мана, халқимизга мустақиллик нима учун керак эди?!" деган мулоҳазага борса ва келажак авлод учун ўзидан яхши бир из қолдиришга чоғланса...*

## УЛУҒБЕК РАСАДХОНАСИ

МИРЗО УЛУҒБЕК академиясининг асосини ташкил этган машҳур расадхона қурилиши 1427 йили Кўхак (Чўпон ота) тепалигида, Оби раҳмат ариғи бўйида олимнинг амри билан бошланиб, 1428—1429 йилларда якунланган.

Ўз даврининг ёш тарихчиси Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матла ус-саъдайн ва мажма ул-баҳрайн" (Икки саодатли юлдузнинг болқиши ва икки денгизнинг қўшилиши) номли китобида "Улуғбек ўз касбини яхши билган математик, геометрик, астроном ва бинокорларни ўз атрофига тўплади... бу ишда ўша даврнинг кўзга кўринган олимлари: мавлоно Салоҳиддин Мусо Қозизода ар Румий, мавлоно Али Қушчи қатнашдилар, машҳур олимлар Ғиёсиддин ал Чустий ва Муиниддин Самарқандга таклиф қилиндилар", дейилади. Абураззоқ Самарқандийнинг яна қуйидаги фикрлари ўринли: "Расадхонанинг биноси давлат асосидек пойдор, деворлари низомидек устивор қилиб мустаҳкамланди, иморатни тиклаш ва устунларини кўтариш (оятдаги) "албатта ўша (қиёмат) куни тоғлар сайр этади" дейилган кунгача барқарор турувчи тоғлар каби йиқилиш ва нурланишлардин омон қолатурғон қилиб бажарилди. Ва яна (оятдаги) "етти мустаҳкам қуббадор қасрдин" намуна бўлғон ул олий бино ва улуғ сифатлик иморатнинг хоналари ичиға тўққиз фалакнинг ҳайъати ва тўққиз осмон доиралари шаклларини даражалар, дақиқалар, сониялардин тортиб то ошираларигача чизилди. Айланувчи фалаклар, етти сайёра юлдузлари, собита юлдузлар кўриниши, ер куррасининг ҳайъати ва етти иқлим сурати, тоғлар, биёбонлар ва ер куррасига нимаики тегишли бўлса барчаси бирлан дилназир нақшлар ва беназир рақамлар бирлан чизилди. Расадхонага тегишли салмоқли китобхонада қарийб 150 минг илм дурдоналари сақланган".

Расадхона уч қаватли бўлиб, цилиндр шаклида, диаметри 36,40 метр, баландлиги 30,4 метр. Асосан қуёш, ой ва кўплаб сайёралар текширилган-кузатилган. "Зижи Кўрагоний" ҳам шу ерда яратилган. Бу ерда қилинган ишларни айтсак адо бўлмас ва тенги топилмас. Масалан, юлдуз йилининг узунлиги жуда аниқ ҳисоблаб чиқилган. Улуғбек маълумотларига кўра юлдуз йили 365 кун 6 соат 10 минут 8 секундга тенг, ҳозирги замон маълумотларига кўра эса 365 кун 6 соат 9 минут 15 секундга тенг. Демак, бор-йўғи бир мунутдан камроқ фарқ бор холос.

Расадхонанинг ички деворларида осмон тасвири, юлдузлар харитаси, тоғ, денгиз, мамлакатлар белгиланган, ер шари ишланган.

## РАСАДХОНАНИ ВЯТКИН ТОПГАНМИ ЁКИ АБУ САЙИИД?

Расадхона шайбонийлар даврининг бошларида тагида олтинлар хазинаси бор, деб гумон қилиниб бузиб юборилади. (Бу билан обидани шайбонийлар бузган дейиш жоиз эмас — М. М.) Лекин ҳеч нарса топилмагач, ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Даврлар ўтиши билан у тупроқ остида кўмилиб кетади. Шайбонийхон мадрасасининг мударриси Мирзо абу Саййид Махсум Улуғбек расадхонаси қолдиқларини топишда ўрис археологи В. Л. Вяткинга холисона ёрдам берган. У Қурбонжон додхо (1811-1907) илтимосига кўра унинг сандиғида сақланаётган Қўқон хонлари архивини тартибга солиш вақтида Улуғбек расадхонаси жойлашган майдон ҳақида баъзи ҳужжатларга дуч келган ва уларни В. Л. Вяткинга маълум қилган. Натижада ўлкашунос Вяткин 1908-1909 йилларда Оби раҳмат ариғи яқинидаги Пойирасад тепалигида қазишма олиб борди. Натижада Ўрта Осиё халқларининг жаҳон аҳамиятига молик ажойиб маданият ёдгорлиги — Улуғбек расадхонаси қолдиқлари кашф қилинди. Ана шу ишда Вяткин таъкидлаганидек, Абу Саййид Маҳсумнинг ҳиссаси катта бўлди. 1909 йил 11 февралда Ўрта ва Шарқий Осиёни тарихий, археологик, лингвистик (тилшунослик) ва элшунослик жиҳатдан ўрганиш ўрис қўмитаси В. Л. Вяткиннинг Самарқандда археологик ишлари бўйича энг фаол ёрдамчиси сифатида Абу Саййидни 100 сўм пул мукофоти билан тақдирлаган. Негаки қисқа муддат Туркистонда (асосан Самарқандда — М. М.) қазишма олиб борган В. Л. Вяткин Петербургга 50 пуд почта жўнатмаси юборган эди. Ҳалигача бу жўнатмаларда нималар борлиги фанга номаълум. Кўриниб турибдики, шу вақтга қадар олимлар ўртасида расадхонани В. Л. Вяткин топган дейилади. Лекин унга бор манбани берган Абу Саййид ҳақида лом-лим дейилмай келинди. Мана энди буёғи аниқ — расадхонани В. Л. Вяткин топганми, ёки Абу Саййид Махсум?

## ЛОЧИН ЕТОЛМАЙДИГАН МИНОР

КЎҲНА ва навқирон Самарқанднинг Регистонидаги уч маҳобатли ёдгорликнинг биринчиси — Улуғбек мадрасаси. Мадраса икки қаватдан иборат, тўғри тўртбурчак шаклида. Олдкириш қисмида улкан пештоқ бўлиб, мадрасанинг тўрт томонида тўртта минора ва гумбаз салобат тўкиб турган. 1870 йилда шу тўрт миноранинг бири қулаб тушган. Абу Тоҳирҳожа Самарқандийнинг "Самария" асарида мадраса ҳақида қуйидаги маълумотларни ўқиймиз: "Ушбу мадраса шаҳар ўртасида (арки олийга яқин бир ўриндадир). Мадрасанинг тоғ шукуҳли ҳайъати устухонбанд мустаҳкамлигидан фалак биносидан тинчликни олган, юксак жиҳати бўлмиш азаматнишон пештоқи оғирлигидан ерга зилзила келтирган, унинг олий даражада кунгираларини қудрат устаси фалак айвонининг муқарнаскорлиги билан бир хилда ясаган, ложувард кошинларини қазо наққош фалакнинг чароғон юлдузлари билан бир тартибда нақш қилиб, уларга даҳлдор қилган қуёшдек жилваси, зарнигор нақшлари гўзал фалак гумбази билан ҳам вазн эди. Бу буюк мадраса икки қаватли бўлиб, ҳар бир равоқда бир ҳужрада талабадан икки киши турар эди".

Мадраса пештоқидаги юлдузлар тасвири нақшли санъат асаридир. Алишер Навоий ушбу пештоқни қуйидагича тасвирлаб берган:

> Ер нуқтасин осмон авжидин авфо —
> Кўтариб, мадраса эттирди бино,
> Еру кўк зийнатин бўлди ялови,
> Тоқиси-камолот, ақл ўлчови.
> Кўп тиришиб, илмдан боғлаб ҳам қанот.
> Ақлнинг лочини етолмас ҳайҳот!
> Минора устига ташлаб ҳам каманд,
> Фикрнинг дорвози чиқолмас ҳарчанд.
> Тоқига муҳандис берганда орой,
> Осмон бармоқ тишлаб, деди "Янги ой?"

Мадрасанинг меъмори — муҳандис Ғиёсиддин Кошийдир. У ерда 50 та ҳужра, ҳар бир ҳужрада уч хонадан (қазноқ, ётоқхона, дарсхона) бўлиб, 100 дан ортиқ илми толиб сабоқ олган. Ёдгорликнинг ички ва ташқи безаклари кошин ва изорали парчин билан бунёд этилган. Обида ҳовлиси ҳужраларнинг ўртасида жойлашган ва унга ён томонлардан ҳам кирилган. Тўрт томонида тўртта дарсхона бор. Улуғбекнинг, Бухоро ва Ғиждувон мадрасаларидан энг йириги ҳисобланади. Қулай деб турган шимоли-шарқий минораси 1932 йилда, 60-йилларга келиб қолган миноралар ҳам тўғриланган. Кираверишдаги катта меҳробнинг тепаси тушиб кетган, миноранинг остидаги нақшли безаклар йўқ бўлиб кетган эди. 1991 йилда у ерда Алишер Навоийнинг музейи очилди. 1994 йили Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилиниши туфайли катта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

XVI аср бошларида ўтган машҳур адиб Зайниддин Васофийнинг "Бадоиъ-ул-вақоиъ" китобида мадрасанинг илк тарихига оид муҳим ҳикоят мавжуд: Мадраса қурилиши итмомига етгач, анинг саҳнида катта йиғин бўлди. Йиғинга Улуғбек Мирзо ҳам ташриф буюрдилар. Йиғилғонлар андин "мадрасанинг биринчи мударриси ким бўлғай?" деб сўраганларида Улуғбек Мирзо "барча илмларнинг саромади бўлғон киши ушбу мадрасага мударрис этиб тайинланғай" деб жавоб қилдилар. Ушбу йиғинда ҳозир бўлғон ва хишт уюми устида ҳуддур кийимда ўлтурғон бир шахс ўрнидан даст туриб мирзога таъзим қилди ва "ушбу мартабага мен муносибдурмен", деди. Улуғбек ани имтиҳон қилди, илму камолатиға ишонч ҳосил қилгач, ани ҳаммомга олиб бориб ювиб-тараб кийинтиришни буюрдилар. Мадраса очилғон куни мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Ҳавофий мударрис ўрнида биринчи дарсни ўқидилар. Дарсда олимлардан 90 нафари ҳозир бўлғон эрдилар, локин дарснинг маънисига Улуғбек Мирзо бирлан Қозизода Румийдан бошқа ҳеч ким тушунмади. (Б. Аҳмедов).

Мадрасанинг кун юриш тарафида Улуғбек Мирзо хонақоҳ (1424) ва муқаттаъ деб аталадиган масжид қурдирган. Мадраса тарихнинг турли йилларида турли воқеаларии бошидан кечирди. Ҳатто уни тўпга тутиб, бузиб юбормоқчи ҳам бўлишган. Ҳукмингизга ҳавола этилаётган муҳим тарихий воқеа сизни эътиборсиз қолдирмайди, деб ўйлаймиз.



• *Кўҳна Кеш обидаларидан бири.*

Археолог В. Л. Вяткин Туркистон генерал-губернатори — А. В. Самсоновга экскурсовод сифатида Регистон майдонида Улуғбек мадрасаси ҳақида гапириб, унинг таъмири учун вақф маблағлари етишмаслиги, вилоят ихтиёридаги маҳаллий муассасалар маблағларидан бир қисмини ана шу мақсадда сарф қилишни илтимос қилганда, "Фикримча; бунинг ҳеч ҳожати йўқ, булар қанчалик тез вайрон бўлса,— деди у қўлини Регистон тарафига чўзиб,— Русия давлатчилиги учун шунчалик яхши бўлади" деб жавоб қайтарган. Ҳеч қачон ўзини йўқотмайдиган В. Л. Вяткин бундай жавобни эшитиб лол қолди. Генерал-губернаторнинг топқир ва ҳозиржавоб адъютанти эса Туркистон ўлкаси олий маъмурининг бундай "доно" фикрини қувватлаб, қўлини чаккасига олиб бориб, бош эгганча бошлиғи сўзини давом эттирди: "Менинг ўйлашимча эса, зоти олийлари, энг яхшиси тўрт взвод артиллерияни рўпарага қўйиб, бу эски-тускиларни тўпга тутмоқ керак". Самсонов барчани оғир синчковдан ўтказиб, адъютантига марҳаматли назар ташлади. Бошлиқларининг адъютанти фикридан мамнунлигини кўрган мулозимлар пиқирлаб кулишди.

Мана, чоризм, шовинистларининг босқинчилик сиёсати натижалари. Бўлғуси ўрис академиги Қ В. Радлов эса кўр-кўрона Регистон ҳақида шундай фикрни илгари суради: "Ниҳоят, фақат эндигина шаҳарга кофирлар киргачгина бу улуғвор майдон чинакам кўркини очиб, ҳурмат ва ҳайратга сазовор бўлмоқда".

## МАҚБАРАНИНГ ТОШИ ИЛОҲИЙМИ?

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ иккинчи мадрасаси Бухоро шаҳридадир. Унинг меъмори уста Исмоил ибн Тоҳир ибн Маҳмуд Исфахонийдир. Мадраса 1417 йилда қуриб битказилган. Абдуллахон II даврида (1586 й.) қайта қурилган.

Мирзо Улуғбек Ғиждувон шаҳрида ҳам мадраса солдирган эди. 1433 йилда қурилган бу обида аввалги икки ёдгорликдан сал кичикроқ ва соддароқдир. Тарҳи тўртбурчак шаклида бўлиб, бир қаватли. У ҳовли, масжид, дарсхона ва ётоқхонадан ташкил топган.

Кўҳна Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз)да ҳам Мирзо Улуғбек обидалари мужассам. Шаҳарнинг Доруттиловот ёдгорлик мажмуида Мирзо Улуғбек номи билан машҳур мақбара — Гумбази Саййидон (Саййидлар гумбази)дир. Мақбара ичида жуда катта доирада горизонтал шаклда оқ ҳарфлар билан уч бор айлантириб: "Бу мақбара улуғ олимларнинг олими... султонларнинг аълоси... қонунчилик ва билимда... дин ва эътиқодда тенги йўқ олий ҳазрат Султон Улуғбек Кўрагон фармони билан бунёд этилди. Аллоҳ унинг подушоҳлигини ва султонлигини узоқ қилсин, 841 ҳижрий (1437-1438 милодий)" деган битиклар бор. Унда яна бир қанча сағана тошлар мавжуд. Бу тошлар XV-XVIII асрларда бошқа қабристонлардан кўчириб олиб келинган. Тошлардаги ёзувларнинг баъзиларида термизлик саййидларнинг номлари қайд этилган Шундан бўлса керак, мақбара кейинчалик "Гумбази саййидон", яъни "Саййидлар гумбази" деб номланиб кетган.

Мақбаранинг ички қисмидаги деворлардаги нақшлар ва безаклар уваланиб кетган. Нақшларнинг аксарияти Мирзо Улуғбек давридаги ёдгорликлар сингари замини оқ-тиниқ-мовий рангда. Мақбара ичида тўртта тош бўлиб, булар XV асрда қўйилганлигини тарихчилар айтишган. Лекин бу тошлар тагида қабрлар йўқ. Тошлар кўпроқ кишиларнинг даволанишига хизмат қилган. Чунки бу тошлар ўпка силига даво бўлиб, таркибида минерал тузлар бор. Тошларга сув қуйиб ичилаверганлигидан ўша тошлар емирилиб кетган. Бу уларнинг шифобахш эканлигидан далолатдир. Мақбарадаги Саййидларга тегишли тошлар номаълум жойларга олиб кетилган.

Доруттиловатдаги яна бир обида (Кўк гумбаз) жомеъ масжидидир. Кеш гарчи ҳеч қачон давлат пойтахти бўлмаган бўлса-да, XIV-XV асрларда дунё меъморчилигининг энг гуркираган масканига айланган. Чунки бу даврда соҳибқирон Амир Темур ва унинг севикли набираси Мирзо Улуғбек жаҳон аҳамиятига молик улкан обидалар бунёд этдилар. Шаҳрисабз ислом ғояларини ташвиқ қилувчи маданият марказига айланди. Кўк гумбаз ҳам ана шу улуғ аллома томонидан 1435 йили отаси Шоҳруҳнинг Шаҳрисабзга келиши шарафига бунёд бўлган.

Кўк гумбаз ўзининг меъморий услубиёти ва кошинлари билан Улуғбек даврига оиддир. Бинонинг ҳозирги сақланиб қолган ҳолдаги баландлиги 22 метр. Мутахассисларнинг фикрича, гумбазнинг айланаси 22,5 метр бўлиб, гумбаз ва пештоқ қайтадан тикланган. Ёдгорлик XV асрда Кешнинг жомеъ масжиди вазифасини бажарган. Айвонлари, ташқи гумбази сақланиб қолмаган. Шунингдек, бу ерда XV асрга оид қайрағочдан ясалган, ўймакорлик санъатининг дурдонаси бўлмиш ёғоч устун ҳозир ташландиқ ҳолда ётибди. Масжиднинг ички томонининг ношудларча қилинган таъмири кишини изтиробга солади. Бир вақтлар минглаб одамлар саждага бош қўйган масжиднинг меҳроб қисми ҳам ҳароба... Ҳозир шаҳарда бошқа жомеъ масжиди мавжудлигидан бу ер гўёки ҳеч кимга керак эмасдек.

Мирзо Улуғбек булардан ташқари Гўри Амир мақбараси, Шоҳизинда мозороти, Яссидаги Ҳожа Аҳмад қабри биноларида ҳам қурилиш ва таъмирлаш ишларини бобоси Амир Темурдан сўнг давом эттирди. У Шоҳизинда мозоротидаги дарвозахонани хижрий 838 (милодий 1435) йилда ўғли Абдулазизга атаб қурдирган. Бибихоним масжидида катта лавх (Қуръони Карим ўқиладиган курси) ҳам Улуғбек томонидан ясалган. Унда: "...Султони азим, олий ҳимматли ҳоқон, дин-диёнат ҳомийси, Ҳанафия мазҳабининг посбони, аслзода султон ибн султон, амири мўъмин Улуғбек Кўрагон" деб ёзилган. Зангиота мозоротида ҳам Амир Темурдан сўнг безак ишларини давом эттирди. Масжид устига ҳозирги пештоқли бино қилган. Олим амри билан пештоқ тагига қуйидаги Ҳадиси Қудсий ёзиб қўйилган: "Менинг заминимдаги уйларим масжидлардир. Менинг зиёратчиларим эса уни обод қилувчилардир. Ҳар ким ўз уйида таҳорат қилиб, менинг уйимда зиёрат қилса иззат-ҳурматимга сазовордир".

Якун ясаб, шуларни айтамизки, Мирзо Улуғбек ўзига хос мактаб яратди. Бу мактаб унинг бунёдкорлигидадир. Олим фидойилиги билан қурилган обидалар неча асрлардан буён ўз чиройини намойиш этиб келмоқда. Мирзо Улуғбекнинг обидалари ҳақиқатан ҳам мангуликка дахлдордир.

**Мурод Мирзо Аҳмадқори ўғли.**

# ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

## Душанба, 17

**ЎзТВ I**

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ишимизда тартиб бўлади".
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Самарқандда меъморлар байрами". "Ўзбектелефильм" маҳсулоти.
19.35 "Ёшлар ижоди". Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик опера ва балет Катта театри артисти Ойбек Тошпўлатов.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Шукур Холмирзаев. "Қора камар". Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
22.25 "Ўзбекистон бастакорлари". Раҳматжон Турсунов.
23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**

**"ТОШКЕНТ" студияси таништиради:**

18.30 "Бу бўстон аро...". Мусаввир Ф. Ахмадалиев.
19.00 "Саломатлик — туман бойлик".
19.30 "Деҳқон ҳиммати".
20.00 "Сиз билан, Сизлар учун!".
21.00 — 22.05 "Ўрдак кўли воқеаси". Бадиий фильм.

**ЎзТВ III**

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мульткарусель".
19.30 "Ислохот одимлари".

**"ОМАД" таништиради:**

20.00 "Совға".
20.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
20.50 "Суперспорт". 1-қисм.
21.20 Эълонлар.
21.25 Видео — "О".
23.00 Эълонлар.
23.05 "Курьер".
23.15 "Об-хаво ҳақида".
23.25 — 23.35 "Постфактум". Ҳафта мобайнидаги газеталар шарҳи.

**"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**

18.00 "Лабиринт". Шарқ — Ғарб. Россиянинг олтин ва савдо йўли.
18.30 "СБ" жумбоғи".
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. И. Ситин.
18.50 Янгиликлар.
19.00 Тиғиз пайт.
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Агар...". Кўрсатувни В. Познер олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Спорт уик-энди".
21.55 — 23.30 "Сизга эзгулик ва бахт тилаймиз, дўстлар!". Украина фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган санъат усталарининг концерти.

## Сешанба, 18

**ЎзТВ I**

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Эрта келган турналар". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 Немис тили.
11.20 "Фарғона нафаси". Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 Гитара тароналари.
12.30 "Ўқитувчилар, Сизлар учун!"
13.00 —15.00 "Синов даври". Телеканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Доно бобо даврасида".
18.40 "Бозор иқтисоди сабоқлари".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Одобнома".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбек куйларидан концерт.
21.40 "Шаҳар бедарвоза эмас..."
22.25 "Майсаранинг иши". Бадиий фильм. 1-серия.
23.25 — 23.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**

**"ОМАД" таништиради:**

18.30 "Мультфейерверк".
19.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
19.40 Видеогид.
20.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.40 —22.40 "Кинонигох".

**ЎзТВ III**

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мульткарусель".
19.30 "Санъат олами". Ўзбекистон халқ рассоми З. Иноғомов асарларининг кўргазмасида.

*

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**

20.00 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
21.00 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.15 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда". Ўзбекистонлик созандаларнинг Австрияга сафари ҳақида.
21.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.10 "Безнен мирас" (татар тилида).
22.45 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
23.00 — 23.30 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан". Туризмнинг ривожланиши ҳақида.

**"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Веди".
18.30 "Инсон ва қонун". Махсус сони.
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. К. Орф.
18.50 Янгиликлар.
19.00 Тиғиз пайт.
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Мавзу".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Илк манбадан".
21.50 — 23.25 Ғалабанинг 50 йиллигига. "Тирикларни чорлайман". Бадиий фильм. "Ташналик" (Одесса киностудияси, 1959 й.).

## Чоршанба, 19

**ЎзТВ I**

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Қадрдон қирғоқлар". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 "Кулол Раим бобо". Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 "Муҳаббатим куйлайман". Лирик концерт.
12.40 — 14.40 "Биз танлаган йўл". Телеканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильмлар.
18.25 "Буюк Ипак йўли" — ҳамкорлик. дўстлик ва тараққиёт йўли".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Навоийхонлик". Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
22.00 "Майсаранинг иши". Бадиий фильм. 2-серия.
23.00 — 23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**

**"ТОШКЕНТ" студияси таништиради:**

18.30 Болалар студияси."Ўз ҳақингда гапир"
18.50 "Жонли тил".
19.50" Бизнес-банк".
20.05 "Тақдим".
20.25 "Тошкент оқшомида".
21.25 — 22.50 "Шаҳризоданинг охирги туни". Бадиий фильм.

**ЎзТВ III**

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мульткарусель".
19.30 "Буюк мақсад йўлида".

*

20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.

*

20.50 — 24.00 "ОМАД" таништиради: "Қитъа спорти".
Дастурда:
— йирик халқаро мусобақалардан репортажлар;
— Ўзбекистоннинг етакчи спортчилари, Осиё ўйинларининг қатнашчилари билан суҳбатлар;
— спорт турлари ҳақида лавҳалар;
— ахборот ва эълонлар.

**"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.
18.30 "Миниатюра".
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Д. Туту.
18.50 Янгиликлар.
19.00 Тиғиз пайт.
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Йўқолганларни излаб". Л. Орлова.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Монолог".
21.50 Сизга аталган учрашув. О. Меньшиков.
22.30 Катталар учун мультфильмлар.
22.50 — 23.05 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).

## Пайшанба, 20

**ЎзТВ I**

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиғи". Бадиий фильм.
10.35 "Болалигим — гулбаҳор".
11.20 Инглиз тили.
11.50 "Кўзда борму сеҳрингиз". Мусиқий кўрсатув.
12.30 — 14.30 "Маърифат". Телеканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.25 "Ютуқлар калити — тадбиркорликда".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Илҳом" телевизион клуби.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Пахтазорга оқшом кўнганда". Кўрсатув ва концерт.
22.00 "Сўнгги найранг". Бадиий фильм.
23.25 — 23.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**

**"ОМАД" таништиради:**

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жозиба".
18.55 "Бир шингил ҳангома".
19.05 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.25 Видео янгиликлари.
19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.30 — 22.30 "Кинонигох".

**ЎзТВ III**

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мульткарусель".

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**

19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).

*

20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.

*

**"ТОШКЕНТ" студияси таништиради:**

21.20 Камер оркестри таклиф этади.
21.50 "Умрбоқий қадриятлар". Ахлоқ ва одоб масалалари.
22.15 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Спартак" (Москва) — "Бавария" (Мюнхен). 2-тайм.
23.00 — 23.45 Футбол. УЕФА кубоги. "Динамо" (Москва) — "Реал" (Мадрид). 2-тайм.

**"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар".
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. У. Нобиле.
18.50 Янгиликлар.
19.00 Тигиз пайт.
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 В. Ерофеевнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 Москва — Кремль.
22.00 — 23.30 Бадиий фильм.

## Жума, 21

**ЎзТВ I**

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Қизил қор ёққанда..." Бадиий фильм.
10.15 Шеърий дақиқалар.
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 Немис тили.
11.20 "Соғлом авлод учун".
11.40 "Ёшлар ва замон".
12.15 — 14.15 "Санъат сеҳри". Мусиқий видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Қалбим наволари" Концерт.
18.35 "Қиш кутиб турмайди".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Самарқанднинг мовий гумбазлари". "Ўзбектелефильм" маҳсулоти.
19.35 "Тилга эътибор..."
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Таълим — мустақиллик пойдевори".
21.30 Мумтоз куйлардан концерт.
22.15 "Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**

**"ТОШКЕНТ" студияси таништиради:**

18.30 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
19.00 "Ёнғиндан сақланинг!".
19.30 "02" тўлқинида.
19.55 "Билиб қўйган яхши."
20.20 — 21.35 "Орзуларимиз қанотида". Бадиий фильм.

**ЎзТВ III**

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мульткарусель".
19.30 "Хусусийлаштириш: янги йўналишлар". Бевосита мулоқот.

*

20.15 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.

*

**"ОМАД" таништиради:**

21.05 Эълонлар.
21.10 "Суперспорт". 2-қисм.
21.40 "Подиум".
22.05 Рок ҳақида.
22.35 "Даракчи".
22.50 Эълонлар.
22.55 — 00.30 Видео — "О".

**"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Инсон ва қонун".
18.40 "Ҳужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Бомонд".
19.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
22.05 — 23.05 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 7-серия.

## Шанба, 22

**ЎзТВ I**

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Бу разведкада бўлган эди". Бадиий фильм.
10.30 "Мактабимиз — фахримиз".
11.00 Осиё ўйинлари якунига бағишланган спорт кўрсатуви.
12.30 Абдулла Қодирий номидаги Маданият институти талабаларининг концерти.
13.10 — 13.40 "Ғурур".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. "Мунгли кўзлар"ни ўқиб...".
18.25 "Сиҳат-саломатлик".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 Лирик концерт.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Санъат усталари концерти.
21.40 Бир асар тарихи. Одил Ёқубов. "Улуғбек хазинаси".
22.25 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

**ЎзТВ II**

**"ОМАД" таништиради:**

9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
10.10 Видеогид.
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.10 "Кинонигох".
12.50 "Омад" тақвими.
13.00 "Жозиба".
13.20 "Бир шингил ҳангома".
13.30 Видео янгиликлари.
13.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
14.40 "Кинонигох".

***

**"ТОШКЕНТ" студияси таништиради:**

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Спорт-тайм" видеоканали.
21.10 — 23.00 "Кинематограф".

**ЎзТВ III**

10.00 "Телеоператор нигоҳида".
10.15 "Умид" (уйғур тилида).
10.45 Япон куйларидан концерт.
11.15 — 12.15 "Замандас" (қозоқ тилида).

***

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мульткарусель".

*

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**

19.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.55 Хитой телевидениесининг кўрсатувлари.
20.55 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.00 "Анор меваси". Жаҳон тасвирий санъатида портрет.
21.50 "Рангинкамон". "Овози тожик" газетаси — 70 ёшда" (тожик тилида).
22.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.35 "Бу ажиб дуне".
23.00 — 23.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари".

**"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**

18.45 "Ўшангача ва ундан сўнг..."
19.40 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Шляпалилар командаси". Телесериал. 2-серия (АҚШ).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.45 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Зигфельд. Эркак ва унинг аёллари". Телевизион бадиий фильм. 2-серия (АҚШ).
22.40 — 23.20 "Оқ тўти" клуби.

## Якшанба, 23

**ЎзТВ I**

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Қувноқ стартлар".
9.45 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 89 — 90-сериялар.
12.00 "Кинoредакция" почтасидан.
12.45 "Ҳуқуқингизни биласизми?".
13.05 "Халқ ижодиёти". Абдуқаҳҳор Раҳимов.
13.35 "Цирк! Цирк! Цирк!".
14.15 "Қўшиқ рақсга уланса".
14.45 — 16.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Навбаҳор" — "Пахтакор".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Қўшиғим, жон қўшиғим".
18.35 "Ойнаи жаҳонда".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Мультипанорама".
20.10 "Анор". Янги номлар. "Истиқлол" гуруҳи.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 "Шийпондаги учрашувлар".
22.15 "Холодильникда биров бор". Бадиий фильм.
23.30 — 24.00 "Ҳафтанома".

**ЎзТВ II**

**"ОМАД" таништиради:**

17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.45 "Хусусийлаштириш — давр талаби".
18.00 Эълонлар.
18.05 Видео — "О".
19.35 Эълонлар.
19.40 "Курьер".
20.00 "Об-хаво ҳақида".
20.10 "Постфактум".
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.45 Эълонлар.
20.50 "Шарқ дурдоналари".
21.20 "Даракчи".
21.30 Эълонлар.
21.35 — 23.05 Видео — "О".

**ЎзТВ III**

10.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
11.00 "Манбалар". Шарқ ва Европа маданиятининг ўзаро таъсири ҳақида.
11.40 — 12.10 "Тараққиёт сирлари". Исроилда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши тажрибасидан.

***

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

*

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**

19.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.55 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
20.55 "Дунё эшиги". Миср иқтисодиёти.
21.35 "Интерпартнёр". Голландия ва Германия қўшма корхоналари ҳақида.
22.15 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.30 "Колумб кашф этган диёр". 2-кўрсатув.
23.15 "БМТ — тинчлик қўрғони".
23.45 "Бу ажиб дунё".
24.00 — 00.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

**"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.15 Телефильм.
18.25 "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар": Мультфильмлар.
19.25 "Бутун Россия".
20.00 Ален Делон "Самурай" бадиий фильмида (Франция — Италия, 1967 й.).
22.00 — 22.45 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

